

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

Ўзбекистон Республикаси

Бу муаммо менинг юрагимни пора-пора қилаётганига анча бўлди. Тожикистон алюмин заводи ўйларимни емиради, дилимдаги минг-минг саволлар тутдай тўкилади. Нимани кутяпмиз ўзи? Наҳотки, бу балои-қазо юртим табиатини, халқим соғлигини яна кўп йиллар заҳарласа?!

Бу янглиг саволлар жуссалари майда битирувчи синф ўқувчиларини кўрганимда яна ҳам аланга олади, кўксимни куйдиради.

Саволлар, саволлар... Бўғзимга ханжар каби қадалади улар. Бу асов

ўйлардан бир зум бўлса-да узоқлашайин дейману қўлимга газета оламан. Уни варақлайман. (Йўқ-йўқ, унда алюмин заводнинг зарари хусусидаги мақола эълон қилинмаган).

яна бир мўъжизаси кичик-кичик жуссаларини, ногирон туғилаётган гўдакларни — бари-барини кўриб, Тожикистон алюмин заводнинг мўъжизалари деб атагим келаверади.

— Эҳтимол, дейман. Бошқа нима ҳам дея олардим. Ёки йўқ-йўқ, бу алюмин заводнинг

Шуларни ўйлар эканман,



Ичкаридан эса, юрагимнинг туб-тубидан оғир карвон кўнғироқлари садоси сингари яна элас-элас САВОЛЛАР жаранги эшитила бошлайди: “Қизиқ, мана шу соф ҳаво таркибида ҳам заҳар бўлиши мумкинми? Сиз бунга нима дейсиз?”

Насрулло ХОЛМУРОДОВ, Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

СУРХОН МУАММОСИ

мўъжизаси“ дея изоҳ берилган иккита бош билан туғилган бузоқ суратига кўзим тушади.

Сурат тагидаги изоҳга кўз югуртираман: “Сариосиё туманида икки бошли бузоқ туғилди... Бу ҳам табиатнинг

“тажриба мўъжизаси“ дейманми? Негадир мана шу икки бошли бузоқни ҳам, юртимнинг заҳарланаётган табиатини, Дашнобод анорларинию тиши тўкилиб кетган сигирларни, “вояга етган“ юртдошларимнинг

яна хаёллар дарёсига ғарқ бўламан. Чўкиб-чўкиб кетаман... Нафасим бўғилади. Ҳовлига чиқиб тўйиб-тўйиб нафас оламан. Соф ҳаво вужудимга ором бахш этади. Онгимни равшанлаштиради.

БОЛАЛИК СОҒИНЧИ



...Ҳов анови нор туянинг ўрқачидек бўлиб турган офтобтига қирни ошсанг,

яна бир қир келади, сўнг катта жарлик келади, ундан сакраб ўтишининг ҳеч иложи йўқ, жар ёқалаб кетган айланма йўл бор, айланиб ўтасан, узоқ юрасан, кейин илониз йўл келади, майса ёқалаб кетасан, адоқсиз-ов шу йўл, деб ўйлайсан, лекин адоқли... Ва, ниҳоят, ана она қишлоқ — бағрини очиб турибди, ана сазгина анҳор, унда чўмилиб-чўмилиб юрибди, сенинг болалигинг.

О, қайтгим келади ўша дамларга, кулиб-кулиб югургим келади қуёш тафтида қизиган тупроқларингда, тушларимда чорлайди мен билан бас бойлашиб сузишган балиқлар...


Р. АЛЪБЕКОВ туширган суратлар.



Жазми Жорден, Амара Томас ва Констанцио Мести Ли мактаб ўқувчилари экан. Шу кунларда улар Америкада дам олаётган ўзбекистонлик болаларнинг хонадонларида меҳмон бўлишиб, халқимизнинг миллий анъаналари, янаш тарзи билан танишадилар.

“АМЕРИКАЛИКЛАР МЕҲМОНИМИЗ”


2-БЕТ.



Птоломей (эрамининг II асри) — юнон мунажжими. Унинг “13 китобдаги буюк математик қурилмалар” асари қадимги астрономиясининг қомусидир. Бу асар араб дунёсида “Алмагест” номи билан юритилади.

“ҒОЙИБОНА ЧИЗИЛГАН РАСМ”

3-БЕТ.



— Уч кун ичида “ганиқли” ёзувчи бўлиш албатта, бироз латифа, афсона... Чунки етти лаҳзада оламни яратини қурби ул мукаммал зоти олийгагина хос бўлган қудратдир. Бу хослик эса бандаларига берилмаган.

“ШЕЪРИЯТ ТАСАВВУРНИ БЕЛГИЛАЙДИ”.

4-БЕТ.



Шу кунларда барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўз даргоҳига янги талабаларни қабул қилмоқда. Ҳар бир йигит-қиз “ўқишга албатта кираман”, деган яхши ният билан келган. Илоё ҳаммаси ҳам ўз ниятларига етишсин... Лекин барибир кимнингдир омади чопмайди, ҳафсаласи пир бўлади... “Рухингизни туширманг, янаги йил албатта келинг”, деб уларга таскин беради Тошкент вилояти педагогика билим юртининг директори Инера опа Магдиева.

Дарҳақиқат, танлаган касбини



ўрганишга юборамиз. Бир-икки ойлик амалий машғулотдан кейин эса ўша боғчаларнинг кичкинтой тарбияланувчиларини ўзимизга таклиф этамиз. “Тўғрисини боладан сўра” деганларидек ҳалиги кичкинтойлар биз юборган “боғча опа”ларининг яхши-ёмон таърифларини келтиришади. Шу тариқа ўртада савол-жавоб бошланади. Қизларимиз ўз ютуқ ва камчиликларини билиб олишади.

Талабаларимизнинг фарзандларимиз таълим-тарбиясида маданиятли, хушмуомалали бўлишларини истаб ўқув режамизга “Одобнома” машғулотларини ҳам киритганмиз. Республика Олий миришаблар мактаби билан келишувимизга кўра, шу мактаб ўқитувчилари бизда ҳуқуқ бўйича маърузалар, суҳбатлар уюштиришади. Қизларимизнинг мактаб ва боғчаларда ўзларига ярашиқ кийимда, ўзларига ярашиқ турмакланган сочда юришлари ҳам кичкинтойлар



27 июль куни эрта тонгда Тошкент яна бир гуруҳ меҳмонларни кутиб олди. Америкага дам олишга кетган ўзбек болаларига жавоб ташрифи сифатида турли штатларда истиқомат қиладиган ёш америкаликлар диеримизга дам олгани келдилар.

Улар олти нафар. Жазми Жорден, Амара Томас ва Констанцио Мести Ли мактаб

дейди у. — Яна бир йилдан кейин мактабни тугатаман. Ўзбекистон ҳақида эса кам тасаввурга эгаман. Чунки, авваллари СССР деганда биз фақат Россияни тушунар эдик. Бундан ташқари, Россияда истиқомат қиладиган бир ўқувчи қиз билан мактуб ёзишиб турар эдик. У менга бу ўлканинг ўрмонлари ва рус халқининг миллий анъаналари ҳақида ёзганди. Энди эса мен сизнинг диерингизнинг одамлари, табиати, урф-одати билан танишиш бахтига муяссар эканимдан хурсандман. Аслида педагогикага жуда қизиқаман. Шунинг учун имкон тугилса, сизлардаги бу соҳа ишлари билан

АМЕРИКАЛИКЛАР МЕҲМОНИМИЗ

ўқувчилари экан. Шу кунларда улар Америкада дам олаётган ўзбекистонлик болаларнинг хонадонларида меҳмон бўлишиб, халқимизнинг миллий анъаналари, яшаш тарзи билан танишадилар. Кейин меҳмонлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Кўқон, Хўжанд шаҳарларида, Оролбўйида бўлишади. Шохимардоннинг сўлим тоғлари бағрида ўзлари билан келтирган палаткаларни қуриб, экотуризм билан шугулланадилар.

Биринчи куни улар Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов ва қўмита аъзолари билан учрашдилар. А. Орзиматов Ёшлар Иттифоқи ва америкалик ҳамюртимиз, “Мерос” халқаро ташкилоти раҳбари Рўзи Назар



танишмоқчиман.

— Мен эса, — деб суҳбатга қўшилди Жазми Жорден, — Нью-Йоркдаги махсус ўрта мактабда таълим оламан. У ердаги ўқишларим ёмон эмас. Тарбиячиликка, Россия-АҚШ

муносабатларига қизиқишим жуда катта. Бу борадаги матбуот нашрлари хабарларини қизиқиб ўқиб бораман. Ана шу хабарлардан сизнинг Ватанингиз ҳақида ҳам оз бўлса-да билиб олганман. Мактабда таълим олсам-да, Нью-Йорк студентлари уюшмасида иштирок этиб тураман. Чунки ёшлар ҳаётига жуда қизиқаман.

Хуллас, суҳбатимиз чоғида яхши ниятлар билан келган ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига тилақдош бўлдик. Учрашув якунида эса Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ходимлари меҳмонларга Ислоҳ Каримовнинг мустақиллик ҳақидаги китобчалари, А. Навоий асарларига ишланган минниатюралар акс эттирилган безакли китоб, атлас ва дўппилар совға қилишди.



ташаббуси билан бошланган бу иш Америка — Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик кўпригининг янада мустаҳкамланишига улуш қўшишини қувонч билан таъкидлаб ўтди. Меҳмонларга диеримиз, халқимиз, амалга оширилаётган ишларимиз ҳақида қисқача сўзлаб берди. Учрашувдан кейин биз меҳмонлар билан янада яқинроқ танишиб олдик.

Констанцио Мести Ли Алабама штатида истиқомат қилар экан.

— Мебэл шаҳридаги мактабда таълим оламан, —

Янаги йил албатта келинг

сева олгангина ортга қайтмайди. Ўқинча, дастлабки қийинчиликлар уни чиниқтиради, яна ҳам кўп билишга ундайди. Айниқса, келажакда ўқитувчи бўламан, болаларга таълим-тарбия бераман деган йигит-қиз буни яхши англаши лозим.

— Билим юртимизга ўқишга келган ёшлар кўзида ишонч, меҳр, илмга чанқоқликни кўргим келади, — дейди опа биз билан бўлган суҳбатда. — Улар билан дастлабки танишув ва мулоқотлардан кейин бир қувонаман, бир ташвишга тушаман. Чунки биз мактабгача тарбия ва бошланғич синф ўқитувчилари бўлган мутахассисларни ўқитамиз. Кейин улар қўлига ҳали суяги қотмаган, қалби пок фарзандларимизнинг тарбиясини ишониб топширамиз. Мендаги қувонч ва ҳадиининг боиси ҳам шу.

Билим юртимиз амалиётида ажойиб бир анъана мавжуд. Талабаларимизни биринчи курс якунида боғчаларга иш

руҳиятига яхши таъсир этади. Шу маънода модалар уйи ходимлари билим юртимизга келиб, талабаларимизга керакли маслаҳатларни бериб туришади.

Ўқувчиларимизга 65 нафар малакали ўқитувчилар таълим беришади. Шу ўринда Р. Икромова, Р. Шарафутдинова, Р. Хуснитдинова, Х. Сайфуллаева сингари ҳамкасабаларимизнинг фаол меҳнатларини айтиб ўтишим жоиздир. Шунингдек, бу йил кундузги ва сиртқи бўлимларга жами 595 нафар талаба қабул қиламиз. Улар учун ҳамма қулайликларга эга бўлган иккита 9 қаватли ётоқхонамиз бор. Турли жиҳозларга бой музейимиз эса ҳар йили қизларимиз тайёрлаган амалий санъат намуналари билан бойиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, билим юртимизга кириб ўқиш бахтига муяссар бўлган ёшлар шу маскандан кўнгиллари тўлиб чиқишсин, орзу-ниятларига эришишсин.

Ш. ЖАЛИЛОВ.

Таътил кунларида

Яхшиликка чорлайди

Маҳалламизда Захро хола деган аёл давом эттиришни дилимга тугиб қўйган яшайди. Ҳамма у кишини “отинхола” деб эдим.

чақиради, чунки узоқ йиллар давомида Ҳозир кунора ўша ерга борамиз. Мен, “эскича”ни ўқиб, ўрганиб келганлар. Нигора, Нодира исмли дугоналарим билан Қуръони Каримни яхши биладилар. Ўқув отинхоланинг билимларидан баҳраманд йили давомида отинхола мен тенги бўляпмиз. Бу шунчаки қизиқиш эмас. қизчаларга ўз билганларини Қуръондаги оят ва ҳадисларнинг асли ўргатаётганларини эшитиб, мен ҳам бу мағзини чаққан кишининг ҳаётга ўқишга ёзилган эдим. Аммо эски ўзбек ёзувини ўқиб-ўрганиш осон иш эмас экан. Шиларга, ўз яқинларингга меҳр билан Мактабдаги ўқишим оксай бошлагач, онам қараш, инсонларга фақат яхшилик қилишни мени отинхоланикига юбормай қўйдилар. ўргатар экан.

Ўшанда ёзги таътилга чиқсам, бу ўқишни

Комиля ҲУСАНОВА.

Тошкент шаҳри, Ф. Ҳўжаев номидаги маҳалла.

О. ҲАМИДХЎЖАЕВ
Суратларда: америкалик
меҳмонлар билан учрашув
пайти.

Машхур Ян Гевелийнинг "Юлдузлар осмонининг атласи" номли китобда ноёб бир гравюра-расм бор. Ушбу расмининг ўртасида астрономия маъбудаси (ёки ансаб) — Урония, ўнг қўлида куёш, чап қўлида эса ойни тутиб турибди. Олим, яъни Ян Гевелийнинг ўзи қалқон ва секстанни кўтариб келмоқда. Уни ўзи ном қўйган юлдузлар туркуми — калтакесак, ғоз тишлаган тулки, кичик асад, силовсин, овчи ит ва церберлар кузатиб келишмоқда. Йиғилганлар олдида юлдузлар жадвали китоби очик турибди ва унда қуйидаги сатрлар битилган: "Тангри таоло менга ато этган барча неъмату инъомларни хукмингизга тақдим этмоқчиман".

Хўш, ушбу битикдан келиб чиққан ҳолда фикр этсак, мунажжим ўзининг бебаҳо асарини қайси ҳакамларга тақдим этмоқчи экан?

Худди шу савол баҳона гравюрадаги олимлар тўғрисида тўлароқ сўзлаб ўтайлик.

Тимохарис (эрамиздан аввалги III аср) — Юнонистоннинг Александрия мактабидан чиққан таникли астроном. Ўз замондоши Аристотель (Арасту) билан бирга осмон доираси доимий нуқталарига нисбатан бир неча ёруғ юлдузларнинг вазиятини, яъни жойлашишини аниқлаган.

Гиппарх (эрамиздан аввалги II аср) — буюк юнон астрономи, бизгача етиб келган юлдузлар жадвалини чизган аллома. Гиппарх баҳорги тенгкунлик нуқтаси вазиятининг ўзгаришига сабаб бўлувчи алмашишни кашф этди, юлдузларнинг астрономик узунли-

ги ҳам шунга асосланган.

Птоломей (эрамизнинг II асри) — юнон мунажжими. Унинг "13 китобдаги буюк математик курилмалар" асари қадимги юнон астрономиясининг комусидир. Бу асар араб дунёсида "Алмагест" номи билан юритилади. Олим бу китобда дунёнинг геоцентрик, яъни ер коинотнинг марказидир, деган таълимотни олға суради.

Мозийдан бир лавҳа

Албаттегий (852-929 йиллар) — етук араб астрономи, Ал-Баттонийнинг лотинча номи. У Дамашқда яшаган, ал-Баттоний синус, катангенс, тангенс ҳисобларини амалиётда жорий этди.

Вальтер (1430-1504 йиллар) — ньюнберглик астрономия

муҳиби, шу шаҳарда биринчи обсерватория қурган.

Региомонтан (1436—1476 йиллар) — машхур невис математиги ва астрономи Иоганн Мюллернинг лотинча исми-шарифи.

Шогирди Вальтер билан ишлашган, астрономия жадвалини

кашф этган.

Коперник (1478-1543 йиллар) — буюк поляк олими, табиатшунослик ислохотчиси. У "Осмон сфераларининг айланиши ҳақида" номли китобда дунёнинг гелиоцентрик системасини, яъни куёш коинотнинг марказидир, деган назарияни баён этди.

Шахзода Гасс (1532-1592) йиллар — 1561 йилда Касселда обсерватория қуриб, юлдузларни кузатиб турибди. Юлдузларнинг тўнгич каталогининг муаллифларидан бири.

Тихо Браге (1546—1601 йиллар) — даниялик машхур олим, Копенгаген шаҳри яқинидаги Хрен оролида обсерватория қуриб, уни аниқ ишлайдиган асбоблар билан жиҳозлаган.

Энди гравюрадаги Мирзо Улугбек (биринчи қаторда учинчи бўлиб турибди) расми ҳақида. Ушбу расм албатта, рамзий тасвир. Бундай ҳурматга буюк ҳамюртимиз ўзининг фан оламидаги хизматлари учун лойиқ деб топилган.

XVII асрда яшаган Ян Гевелий шу тариқа осиелик ҳамкасби Мирзо Улугбекка гойибона қўл узатган эди. Ушбу китобни Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов 1948 йилда сўзбоши ва изоҳлар билан ўқувчиларга тақдим этди. Хуллас, ушбу гравюра-расмдаги машхур мунажжимларни билиб қўйсак, огир юк бўлмасди.

Шакар СУННАТОВ тайёрлади.



ЎЗИМ ТАЙЁРЛАДИМ, МАЗАЛИМИ?

Азиз болалар! Ёзининг иссиқ кунларидаги энг мазали таом — музқаймоқни ҳаммангиз ҳам яхши кўрасиз. Тошкентлик тенгдошларингиз музқаймоқни уй шароитида тайёрлаш усулларини бизга ёзиб юборишибди. Шунга кўра уни сиз ҳам тайёрлаб кўрингчи!

КОФЕЛИ МУЗҚАЙМОҚ

Сут, шакар, тухум ва ваниль шакарини аралаштириб, оловга қўясиз. Қоришмани тўхтамай аралаштириб турасиз. Қайнай бошлаган чоғида қоришма жигарранг тусга киргунга қадар унга кофе аралаштириб турасиз. У қайнаб чиққач, совутасиз ва ўзингиз истаган шаклдаги идишга солиб, совутгичга қўясиз. Истеъмол қилишдан аввал яхшилаб кўпиртирилган қаймоқдан озроқ қуйиб юборасиз.

Керакли маҳсулотлар: 1,2 литр сут, 250 грамм шакар, 2 та тухум, 2 пакет ваниль шакари, кофе, қаймоқ.

ЎРИКЛИ МУЗҚАЙМОҚ

Ўрикнинг данагини ажратиб оласиз. Қирғичдан ўтказасиз ва ушбу бўтқани шакар ва сув билан яхшилаб аралаштирасиз. Ваниль шакари қўшасиз. Кейин совутгичга қуйиб қуйишингиз мумкин.

Керакли маҳсулотлар: 1 кило пишган ўрик, 1,5 литр сув, 400 грамм шакар, 2 пакет ваниль шакари.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

— Ажабланманг, зоти олийлари. Бундан етти йил муқаддам Темурбек қўшини Волга бўйидан Москвага яқинлашганда худди Византия императори Мануилга ўхшаб Москва буюк князи Василий Дмитриевич черковига беркиниб, муқаддас иконага (ансаб) сизинган. Зодагон боярлардан тортиб оддий фуқарогача — барча черковларда ибодат қилишган. Темурбекдан қутулишнинг бирдан бир чораси — ибодат қилиш, деган Митрополит Киприон. Москва чин дилдан ибодат қилди ва бу балодан қутилди.

— Каромат қилдингиз, тақсири олам! Муқаддас испан тупроғида етти асрдан бери арабу-маврлар ҳукмронлиги давом этиб келмоқда. Балки, биз ҳам авлиё Иоанн иноят этса, еримизни бу келгинди араблардан ҳалос этармиз. Бундай муқаддас иш йўлида мен Темурбекнигина эмас, балки иблисни ҳам ўзимга, талаб этса, падари бузруквор этишга тайёрман.

Кастилия ва Леон қироли Генрих III Дон Энрико камергерига нигоҳини қадаб сўзида давом этди.

— Рюи Гонзалес де Клавихо! Биз сизни Темурбек ҳузурига элчи қилиб жўнатишга азму-қарор этурмиз.

— Худо ёр бўлсин!

ҚОРАБОҒДАГИ МОТАМ

Муҳаммад

Султон

қўмондонлигидаги тўрт туман Кичик Осиенинг ғарбий сарҳадларигача етиб борди. Бутун христиан оламини ларзага солган усмонли турклар хоқонлиги эндиликда Темурбек измига ўтди.

Ғарбда, Боязидга қарашли ерларнинг чегарасида мағрур Смирна қалъаси қад



ростлаб турарди.

Қалъанинг бир томони денгиз билан туташ бўлиб, унда кемалар ва қатор қайиқлар тизилган.

Бобосидек шиддаткор Муҳаммад Султон бу қалъани олишга жазм қилди.

Иоаннитлар тариқатига мансуб Родос рицарлари қароргоҳи бўлган Смирнанинг ҳукмдори жасур Вильгелем-де-Мино эди.

Муҳаммад Султон элчиси унга хирож тўлаш ва Темурбекнинг Катта Қизил байроғини қалъа устига ўрнатишини таклиф қилди.

— Акс ҳолда жанг қиламиз, — деди элчи, — биз кўпчиликмиз. Бекорга қон тўкилишини истамаймиз.

Вильгелем атрофида турган

рицарларга қараб кўз уриштиргач, кескин жавоб қилди.

— Урушсак, урушаверамиз. Биз, авлиё Иоанн жангчилари ҳеч қачон Муҳаммад умматларига бош эгмаганмиз, эгмаймиз ҳам.

Муҳаммад Султон бобоси каби тадбиркор эди. У шошилмай қалъани чор атрофдан ўраб олиш ва денгиздан ажратиб қўйишни буюрди.

Бир ҳафтадан сўнг Смирна қалъаси мудофаачилари тўғонни кўришди.

Оврўпо рицарлари жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатиш ва қуршовдан чиқишга интилишди. Қамалнинг ўн иккинчи кун Вильгелем тариқат гроссмейстрига ёрдам сўраб одам юборди. Ўт очар мушкетлар, замбараклар ва рицарларнинг кескир қиличлари ҳам қалъани сақлаб қололмаслигига кўзи етган эди. Ҳар тарафдан узун осма карвонлардан кўтарилиб, қалъадаги рицарлар билан жанг қилаётган Моворауннаҳр баҳодирлари зарбига дош беролмаган мудофаачилар ўн учинчи кун кечаси денгизга ёриб ўтдилар. Қирғоқда уларни Иоаннитлар тариқати гроссмейстри юборган кемалар кутарди.

Қалъада Темур байроғи ҳилпиради. Тез орада бу ерга Оврўпо бой шаҳарлари Лесбос, Хиосдан савдогарлар таъзимга келишиб, қимматли совға-саломлар келтиришди.

(Давоми бор).

Абдували ҚУТБИДДИН. Қаршида туғилган. 4-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ илк шеърини битган. Майин ва ҳазин, нозик ва дардли сўзларга "тўн" кийдиришни яхши кўради.

У дейдики: "Гўзаллик ҳақиқатга ва Оллоҳга олиб борувчи ягона йўлдир".

— Абдували ака, французларда бир гап бор: "Дунёни фикрлар бошқаради" дейишади. Бунини эслашдан мақсад суҳбатимизни шу "дунёни бошқараётган" фикрларга ёндошишдан бошласак.

Немис ёзувчиси Л. Берне "Уч кун ичида қандай қилиб ўзига хос ёзувчи бўлиш мумкин" номи асарида одамни ўйлантирадиган қизиқ бир воқеани баён қилади. У ёзади: "Эндигина ижодини бошлаган ёш ёзувчи 3 кун ичида миясига келган ҳар қандай фикрни


Бугунги ёш ижодкор ўқувчиларга катта ижодкор сифатида нималар дея оласиз?

— Уларга оддийгина қилиб шуни айтиш мумкинки, кутинг ва интилинг. Ўзингиздаги яхши сифатларга ишонинг, ёмон сифатларингиздан қутулишга ҳаракат қилинг. Нимага қизиқсангиз, ҳавас қилсангиз ўшани тушунишга, моҳиятини англашга қўлингиздан келгунча киришинг. Бир кун келиб сизга ато этилган истеъдод лутфини билиб оласиз. Ва бу йўлдан қайтманг. Чунки эндиги умрингиз билиб олишга сарф бўлмоғи даркор.

Шунинг учун истардимки, кейинги авлодлар олдингиларга нисбатан руҳий пок, тоза ва гўзал бўлишга интиласалар, ҳар биримиз ярим кечаларда руҳан қийналган онларимиздаги орзу қилган — гўзал жамият, гўзал қонун, гўзал одам, гўзал табиат ичида яшаш бахти тобора биз томон яқинлашаверади.

— Абдували ака, илк шеърингиз қандай дунёга келган?

— Биласизми, ҳар қандай шоир ҳам аввало шеърпараст бўлади. Кейин-кейин сатрлар пайдо бўлади. Яширин ҳис-туйғуларнинг портлаши шеърнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу худди шўх оқимли сувларни бандиликда ушлаб турган музликларнинг парчаланишидек гап. Болалигимда менга кўп йўл-йўриқлар кўрсатган амаким Муслихиддин ака Муҳид-



Тоҳиб Йўлдош

Болаларнинг сеvimли шоири, кексаларнинг дилкаш ҳамроҳи Тоҳиб бобо Йўлдошев 75 ёшга тўлибди.

— 1935 йили илк шеърим босилиб чикқанди, — дея хотирлайди Тоҳиб бобо бугун. — Ўшандан буёғига кечган 60 йил мобайнида ўндан ортиқ шеърый тўпламларимни эълон қилдим. Худо хоҳласа, ҳали давом эттириш ниятларим бор...

Бугун ўзининг тўйини нишонлаётган кекса шоиримизга кўп минг сонли муштарийлари номидан соғлиқ истаб, баракали ижод тилаймиз.

"ТОҶИГ ЮЛДУЗИ" таҳририяти.

ҲАЙИТМАТ

Ҳайитматнинг одати кўп — Ярамайди, Гапирганда ён-берига қарамайди. Катта-кичик нима унга Фарқи йўқдай Тавба! — дейсиз

қарашлари

Худди ўқдай. Йўқ ердаги гапга сизни Ишонтирар, Оғриманган бошга оғриқ — Иш орттирар. Неча айтдик: — Бу ишингни қўй, ўртоқжон. Бегингизга безрайиб дер: — Нима, қачон? Билмаганга олиб ўзин Бош чайқайди, Авваллари бундай эмас, Бошқачайди.

ТЕГДОР ГАПЛАР

Бобомларнинг гаплари, Кўпинча тегдор бўлар. Ахир шундан табарруқ — Кўпни кўрганда булар. Бир аср, ундан нари Баъзиларин ёшлари. Кўнглингизни яйратар, Нуруний қарашлари. Қариларнинг билганин, Парилар билмасмишлар. Яхши гапнинг гадоси — Салом-ла кўнглин хушлар.

Ҳассага ним таяниб, Қўл очарлар дуога. Бобо йўл бўлсин десак: — Қарилликка, давога... Деб куларлар, биз ҳайрон Қараб турсак, қалтираб — Кўзларидан томчи ёш, Юмалади ялтираб...

Шеърингиз тасавбурини белгилайди

қоғозга туширсин. Натижада, бошқаларда учрамаган, бетакрор фикрлар пайдо бўлади".

— "Уч кун ичида "таниқли" ёзувчи бўлиш албатта, биров латифа, афсона... Чунки етти лаҳзада оламни яратиш қурби ул мукамал зоти олийгагина хос бўлган қудратдир. Бу хослик эса бандаларига берилмаган. Лекин ўша зоти олийнинг ҳар бир бандига нақш этган лутфи мавжуддирким, бу лутфдан баҳраманд бўлмоқлик, лутфнинг моҳиятини тўғри англамоқлик вазифаси ҳар бир инсондан (гўдақдан тортиб кексагача) ҳаракат ва интилишни талаб этади. Соддагина қилиб айтганим бўлсам, ҳар бир одамда Оллоҳнинг мўъжизаси мавжуд. Бунини ошкор этиш ўша одамнинг саъй-ҳаракатига, меҳр-муҳаббатига боғлиқ. Ўшандагина уч кунда эмас, аксинча, (бу ўринда кунларнинг аҳамияти йўқ) қайсидир бир паллада буюк яратишлар содир бўлади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, буюк яратишларни ҳар бир ижодкордан кутиш мумкин.

— Маълумки, ҳар қандай шоир ўз ижодида маълум бир "майдон" кашф этади. Ва бу "майдон"га кирувчилар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Демокриманки, сизнинг шеърингизга ошно тутинган ўқувчилар талайгина. Бунини муҳарририятимизга келаятган мактублардан ҳам билиш мумкин.

Урганган ёш ўрганаётганингиз она-онангизга, халқингизга, Ватанга, миллатга тааллуқли бўлиб, уларнинг келажагига хизмат қилмоғи лозим.

— "Гўзаллик билиш қобилиятининг ўйинидир", дейди қайсидир машҳур файласуф. Демак, гўзалликни севиш ва ҳис қилиш ҳиссиётнинг устуңлигига боғлиқ бўлиб, онда фикрнинг тежаллишига олиб келарканда...

— Ўша машҳур файласуфнинг гапи балки ўринлидир. Аммо мен ўзимча гўзалликни билиш одамийлик белгиси деб ҳисоблайман.

Чунки инсониятнинг бошланиши ҳам гўзалликка татабу қилиб, (ёдингиздами, инсон ўз комати гўзаллигини кўради. Ва худди наргиз гулидек ўзига ҳавас билан қарайди, ўз қадр-қимматини англайди) мавжудлантирилган. Барча хунуқликлар, вайроналиклар гўзалликка қараб, яъни тескари қилиб яратилган. Зеро, авлодлар ўз турмуш тарзи ва ҳаёти жараёнида бунини ўйлаб топган, ишлатган, қўллаган. Гўзалликка талпиниш инсонни миллион йиллик гардлардан, қароликлардан тозаланишга қаратилган руҳий, ичкин одамий истагидир.

ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИҚАТГА ВА ОЛЛОҲГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЯГОНА ЙЎЛДИР. Инсон бугун анча афтода бўлиб қолган экан, бу худонинг айби эмас. Бу ҳисоб-китоб қилинадиган ўзлик айбидир.

динов бўладилар.

Илк шеъримга келсак, уни 4-синфда ўқиб юганимда ёзганман, "8 март"га атаб.

— Шеърингизда сўз ўта ҳаяжонли бўлиши, майин тебраниб туриши керак. Агар бирор бир шеърый парчани ўқиётганингизда ўша сўзларнинг майин тебранишини, умуман ўзингни бу заминдан оёгинг айродек сезмасанг, унда сўз ўликдир. Сиз ушбу фикрга қўшила оласизми?...

— ...Шеърингизда сўз майин тебранади, кўпол тебранади, бундан қатъий назар, у барибир шеърингиздир. Менинг қарашларим шеърингизни бутунлай ифодаламайди, балки унга нисбатан тасаввуримни белгилайди. Тасаввур эса ҳамisha ҳукм еҳуд қатъий фикр бўла олмайди. Менинг тасаввурим худди сиз айтганчалик мусиқали, нозик сўз жилвалари, майин, ҳазин, дардли ўзгараётган манзаралар, гайрий лаҳзалардан иборатдир. Лекин турфа йўл ва шакллар ҳамisha адабиёт учун керак ва зарур, деб ўйлайман. Чунки ҳар қалб ўзига яраша андозани сўрайди. Менимча, ҳар хил шеърингиз, йўл манашу андозаларни ифода этади.

— **Муштарийларга тилақларингиз?**

— Кунларимиз ойдин бўлаверсин!

Шакар СУННАТОВ суҳбатлашди.




Қайси бирини ўйнай? Р. АЛЪБЕКОВ туширган сурат.

Қизимиз Сурайеҳон! Мана шу хурсандчилик кунингизда сени чин юракдан табриклаймиз! Сизга узок умр, соғ-саломатлик тилаймиз. Доим юзингиздан кулгу аримасин, дунёдаги барча яхшиликлар сизга бўлсин! Сени табриклаб: даданг СИРОЖИДДИН, аянг СОХИБА, опанг МАХЛИЁ ва синглинг МУҚАДДАС. **Бўтабоевлар оиласи.** Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Иттифоқ қишлоғи.



Табриклаймиз!



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати: Ф. ЖАЛИДОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ / масъул котиб /, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тиражи: 1000 нусха. ЎЗБЕКИСТОН ЕҶЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ. Газета 1 129 йил, 1 августдан «ЛЕНИН УЧКУНИ» номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтаининг чоршанба кўни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ: 700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ. Напр кўрсаткичи: 64563. Чоп этиш вақти — 18.00.